

ХВФ раҳбари Ўзбекистон Президентига мактуб йўллади



Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатлари бутун дунё ҳамжамиятига таъсир қилаётган бугунги фавқулдда шароитда мен мамлакатингиздаги қийинчилик ва хатарларни енгиб ўтишда Ўзбекистон халқи билан бирдам эканимни билдирмоқчиман. Вирус тарқалишига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш соҳасига харажатларни ошириш, аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида Сиз томондан кўрилган тезкор чора-тадбирлар инқироз таъсирини юмшатишга хизмат қилади.

Халқаро валюта фондининг Ижроия кенгаши жорий ҳафтада ушбу ғоят мушкул вазиятда Ўзбекистонга молиявий кўмак тақдим этишни маъқуллаганидан мамнунман. Ушбу ёрдам Жаҳон банки гуруҳи ва Осиё тараққиёт банкнинг кўмаги билан биргаликда бугунги шароитда юзага келган молиявий эҳтиёжларни қондириш имконини беради.

Бугунги кунда Сизнинг бутун саъй-ҳаракатингиз, табиийки, коронавирус оқибатларини енгиб ўтишга қаратилган. Айти пайтда, шунга қарамай, Ўзбекистонда фаол ва очиқ бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича ўрта муддатли мақсадларга эришиш йўлидаги ислохотларингизни давом эттираётганингиз мени руҳлантиради.

Кейинги уч йил давомида Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон миқёси кенг, шу жумладан савдони, нарх шаклланиши ва валюта айирбошлаш курсини либераллаштириш, давлат молияси ва уни бошқаришдаги салоҳиятни мустаҳкамлаш, молия сектори ва ишбилармонлик муҳитини ислоҳ қилиш бўйича мисли кўрилмаган янгиланишларни бошлади.

Ушбу ислохотлар Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал иқтисодиётга янада интеграциялашувига, янада юксак, барқарор ва инклюзив тараққиётга эришишига хизмат қилади.

Бугунги шароитда ислохотларни амалга ошириш йўлида мавжуд барча хатарларга қарамай, Сиз иқтисодиётни трансформация қилиш бўйича сиёсатингизни қатъий давом эттиришингизга ишонаман.

Шу муносабат билан ишонтириб айтаманки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва ХВФ ўртасида эришилган юқори даражадаги ҳамкорликка таянган ҳолда, зарур маслаҳат ва техник кўмакни тақдим этиш, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда молиявий ёрдам орқали Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёرمىз.

Мен Жаҳон банкнинг ижрочи директори бўлган даврдаги ҳамкорлигимизни ва шу аснода Тошкентга ташрифимни илиқлик билан эслайман. Менинг бугунги кундаги вазифамда ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишимизга умид қиламан.

Энг эзгу тилаклар ила,

Кристаллина Георгиева,

Халқаро валюта фонди бошқарувчи директори

Манба